

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**АҲРОРБЕК АЪЗАМЖОНОВИЧ АЗИЗОВ**

**ЎЗБЕК МАДАНИЯТИДА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ТАСАВВУРЛАР (ФАРГОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)**

**07.00.07 – Этнография, этнология и антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2023**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера доктора философии (PhD) по историческим  
наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Ахрорбек Аъзамжонович Азизов**

Ўзбек маданиятида ҳайвонот олами билан боғлиқ тасаввурлар (Фаргона  
водийси мисолида) ..... 5

**Akhrorbek Azamjonovich Azizov**

Worldviews related to the animal world in Uzbek culture (on the example of the  
Fergana Valley) ..... 27

**Ахрорбек Аъзамжонович Азизов**

Мировоззрения связанные с животным миром в узбекской культуре (на  
примере Ферганской долины) ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 53**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.  
30.12.2019. Tar. 56.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**АҲРОРБЕК АЪЗАМЖОНОВИЧ АЗИЗОВ**

**ЎЗБЕК МАДАНИЯТИДА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ТАСАВВУРЛАР (Фарғона водийси мисолида)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**тариҳ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2023**

Тарих фанлари бўйича философа доктори (PhD) диссертацияси мактуси Ўзбекистон Республикаси Ватирлар Махкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tar212, рикамни билди рўйхатта олингани.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтидаги бўжаригига

Диссертация автореферати ум тил (Ўзбек, инглиз ва рус (резюме))да Илмий кенгараги веб-саидаси (батлий) хамди "ZiyouNET" ахборот-тавъим портфоли ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))га жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Адхамжон Азимбекович Амирев  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий опонентлар:**

Алишер Худойбердинич Донишев  
тарих фанлари доктори, профессор

Зиёдулло Сафаралиевич Исоков  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Наманган джониган университети

Диссертация химояси Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.30.12.2019. Tar 56.01 рикамли Илмий Кенгашининг 2023 йил «27» январь соат 14:00даги маъқисида бўлиб ўтди (Мағозия: 100047, Тошкент шаҳри, Яхе Гуломов кўчаси, 70-йи, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91) [info@sati.uz](mailto:info@sati.uz)).

Диссертация билан Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишини мумкин (ракам билан рўйхатта олинган). (Мағозия: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-йи). Тел: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2023 йил «11 » январ куни тарқатилди.  
(2023 йил «9 » январ даги 1 ракамли реестр баённомаси билан).



**Азamat Зиё**  
Илмий даражалар  
берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тарих фанлари доктори,  
профессор

**Х. С. Жумапазаров**  
Илмий даражалар  
берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Н. А. Адлаева**  
Илмий даражалар  
берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар  
раиси, тарих фанлари  
доктори, катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобаллашув жараёнлари жаҳон ҳамжамиятини иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда умумлашуви билан бирга табиат ва жамият муносабатлари, сайёрамизнинг экомаданият тизимиға ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Айниқса, сўнгги ўн йилликда ҳайвонот оламига нисбатан муносабат кескин ўзгаришларга учради. Натижада, ҳайвонот оламини англаш, уларнинг инсонлар турмуш тарзи ва маданиятидаги ўрнини тушуниш долзарб муаммога айланди.

Жаҳоннинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларида ҳайвонларга нисбатан шаклланган тасавурлар тарихи тарихи, инсон ва ҳайвон муносабатларининг иқтисодий, ижтимоий, тарбиявий, фалсафий ва руҳий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Европада ҳайвонларнинг кишилик жамиятининг ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги ўрни ҳамда руҳий ҳолатини мувозанатлаштирувчи жониворлар парвариши, имконияти чекланганлар учун ҳайвонлар хизматидан фойдаланиш, ҳайвонларнинг шифобахш хусусиятларини ўрганиш долзарб илмий муаммолар тарзида этироф этилмоқда. Шунингдек, ҳозирда ҳайвонларга оид тасавурларнинг инсон онгига акс этиши, улар билан боғлиқ маросимларнинг шаклланиш омилларини ўрганиш долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда охирги йилларда ижтимоий фанлар йўналишларида олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўзбек элшунослигида табиат билан боғлиқ этноэкологик қарашлар, инсон ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатлар, ҳайвонот дунёси билан боғлиқ турлича қарашлар, мифлар ҳамда анъаналарни этнографик материаллар асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зоро, Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги чиқишидаги таклифлардан бирида минтақанинг ноёб фаунасини сақлаб қолиш учун ҳудудга кенг ёндашувни топишни илгари сурган эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ёшларда атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, табиатни сақлаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланиши, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган экологик акцияларни ташкил этиш вазифаларини амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи. Бундан ташқари, мазкур тадқиқот “Халқаро ҳайвонларни ҳимоя қилиш” ташкилоти томонидан қабул қилинган ҳукуқий-меърий ҳужжатлар, қўлланмалар ва мамлакатимизда 2019 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўкув қўлланма. – Тошкент, 2021. – 213–214-бетлар.

ҳақида”ги қонуни ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек халқининг ҳайвонот дунёси билан боғлиқ қарашлари мавзуси элшунослик нұктай назаридан ҳозирга кунга қадар алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган бўлса-да, лекин масаланинг айрим жиҳатлари илмий адабиётларда маълум даражада ёритилган ва улар диссертацияда куйидаги гуруҳларга ажратилган: Россия империяси ва совет мустамлакачилиги даврида нашр этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида чоп этилган асарлар ҳамда хорижий тадқиқотлар. Тадқиқотнинг биринчи боби дастлабки параграфида мазкур муаммо кенг кўламда таҳдил қилинган.

Илмий муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларига оид изланишлар асосан, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидан бошлаб амалга оширилган. Айнан ушбу даврдаги тадқиқотлар ўзбекларнинг диний тасаввурлари, турмуш тарзи ва маросимлари каби хилма-хил жиҳатларга бағишланганлиги билан характерланади. Хусусан, ахолининг хўжалик, турмуш тарзи ва маросимий ҳаёти М.С. Андреев, Е. Пешерева, ҳайвонлар билан дағн одатлари В.И. Спришевский, анимистик тасаввурларда жониворларнинг магик аҳамияти Л.П. Потапов, тотемистик қарашлар тизими Д.Е. Хайтун, ўзбек-лақайларнинг хўжалик ҳаётида чорвачиликнинг тутган ўрни ҳамда у билан боғлиқ аҳоли қарашлар Б.Х. Кармишева, Хоразм аҳолисининг қадимий диний тасаввурлари Г.П. Снесарев томонидан ўрганилган<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган элшунослик ва тиљшуносликка оид изланишларда ҳам илмий муаммонинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган. Хусусан, А.А. Аширов, С.Х. Есбергенова, А.М. Маликов, Ҳ. Кароматов, Г. Мухаммеджанова, Ҳ. Сайдова, С. Жумаева,

<sup>2</sup> Андреев М.С. По Таджикистану. Краткий отчет о работах этнографической экспедиции в Таджикистане в 1925 году. – Выпуск I. – Ташкент, 1927. – Вып. I. – 49 с.; Пещерева Е. Молочное хозяйство горных таджиков и некоторые связанное с ним обычаи. / Андреев М.С. По Таджикистану. Краткий отчет о работах этнографической экспедиции в Таджикистане в 1925 году. – Ташкент, 1927. – Вып. I. – 42–59 с.; Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э. обнаруженное около обсерватории Улугбека / Труды Музея истории народов Узбекистана. Т. 1. – Ташкент, 1951. – 33–42 с.; Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. – Москва–Ленинград, 1953. – 444 с.; Хайтун Д.Е. Тотемизм его сущность и происхождение. – Сталинабад, 1958. – 151 с.; Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. – Сталинабад: Издательство Академии наук Таджикской ССР, 1954. – 171 с.; Ўша муаллиф: Этнографические очерки узбекского сельского населения. – Москва: Наука, 1969. – 296 с.; Ўша муаллиф: Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва: Наука, 1972. – 324 с.; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969. – 336 с.; Ўша муаллиф: Люди и звери // СЭ. – 1972. – №1. – С. 167–176.

Н. Нишонова, А. Тиловов, Д. Файзиева ва А. Исмоиловларнинг тадқиқотлари яққол мисол бўла олади<sup>3</sup>.

Хорижий тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ тасаввурлар, уларга нисбатан муносабат бўйича бир неча изланишлар бажарилган. Хусусан, М.А. Харитонов, З.П. Соколова, Л.К. Текеева, И.Ю. Винокурова, К. Вилликес, К. Стилд, К.С. Васильцов ва С.М. Демидов<sup>4</sup> каби олимлар тадқиқотларида илмий муаммо бўйича қатор хulosалар илгари сурилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг ФА-А1-ГО25 ПВ-2014-0911000555 – “Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар” (2015-2017) ва ФА-А1-ГО25 –“Замонавий ўзбеклар: тарихий-этнологик тадқиқот” (2015–2017) номли амалий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек халқининг ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларини Фарғона водийси материаллари асосида антропологик жиҳатдан тадқиқ қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳайвонот олами билан боғлиқ халқона тасаввурларнинг назарий-услубий асосларини таҳлил этиш;

жониворлар билан боғлиқ қарашлар акс этган тадқиқотларни таснифлаш ва уларнинг тарихшунослик таҳлилини амалга ошириш;

---

<sup>3</sup> Маликов А.М. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим источникам): дисс.... к.и.н. – Самарканд, 2000. – С. 183.; Есбергенова С.Х. Почитание животных в культовой практике каракалпаков (конец XIX – середина XX вв): дисс.... к.и.н. – Нукус, 2001. – С. 154.; Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 275-бет.; Мухаммеджанова Г.Р. Семантизация существительных в учебном узбекско-русском словаре (на материале номменований животных узбекского языка): дисс....к.фн. – Ташкент, 1995. – С. 123.; Саидова Ҳ.А. Ўзбек тилида ҳайвон номларининг шахс тавсифи вазифасида кўлланиши: ф.ф.н. дисс. – Бухоро, 1995. – 178 бет.; Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: ф.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 1996 – 26 бет.; Нишонова Н. Р. Ўзбек тилида ҳайвон архисхемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: ф.ф.н. дисс. – Тошкент, 2000. – 120 бет.; Тиловов А. Ўзбек халқ достонларидағи от образи: ф.ф.н. дисс. – Тошкент, 2002. – 154 бет.; Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи: ф.ф.н. дисс. – Тошкент, 2004. – 128 бет.; Ismailov A. Totemic foundations of the Uzbek anthroponomy // Motif Akademi Halkbilimi Dergisi. – 2014. – №2. – Р. 313–320.

<sup>4</sup> Харитонов М.А. Образ волка в социокультурной традиции народов Центральной Азии: дисс. ... к.и.к.н. – Улан-Удэ, 2000. – С. 186.; Соколова З.П. Культ медведя и медвежий в мировоззрении и культуре народов Сибири // ЭО. – 2002. – №1. – С. 41-62.; Текеева Л.К. Зоолатрия в традиционной культуре карачаевцев и балкарцев: автореф. ... дисс. к.и.н. – Нальчик, 2006. – С. 218.; Ўша муаллиф. Культ волка в традиционных представлениях тюркоязычных народов Северного Кавказа // Вестник Пермского университета. – 2012. – Выпуск 3 (20). – С. 37-42.; Ўша муаллиф. Домашние животные в традиционном мировоззрении тюркоязычных народов Северного Кавказа (XIX – начало XX вв.) // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2013. – № 11. – С. 167–170.; Винокурова И.Ю. Животные в традиционном мировоззрении вепсов (опыт реконструкции): автореф. дисс. ... д.и.н. – Петрозаводск, 2007. – С. 44.; Willekes C. From the Steppe to the Stable: Horses and Horsemanship in the Ancient World: diss. ... PhD. from anthropology. University of Calgary. – Alberta, 2013. – 366 p.; Stilt K. Animal Welfare in Islamic Law. – Chicago: Northwestern University of Chicago, 2015. – 48 р.; Васильцов К.С. Образ горного козла (нахчира) в мифологии и религиозных представлениях горцев Западного Памира. // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого [http://www.kunstkamera.ru/lib/tubrikator/03/03\\_03/978-5-88431-271-5/](http://www.kunstkamera.ru/lib/tubrikator/03/03_03/978-5-88431-271-5/) © МАЭ РАН. – С. 152-169.; Демидов С.М. Растения и животные в легендах и верованиях туркмен / Серия «Этнография туркмен». – Москва: Старый сад, 2020. Вып. 1. – 122–123 с.

ўзбек халқи дунёқарашида ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг тарихий илдизларини ўрганиш;

Фарғона водийсида яшовчи ўзбекларнинг ҳайвонлар билан боғлиқ диний-мифологик қарашлари ва тасаввурларини таҳлил қилиш;

шаҳарлашиш ва бошқа замонавий жараёнлар таъсирида ўзбекларда ҳайвонларга нисбатан бўлган муносабатнинг ўзгариши ҳамда диний-ахлоқий қарашларда уларнинг ҳимоялаш мезонларини ёритиб бериш;

ўзбек халқи оилавий маросим ва урф-одатларида ҳайвонларнинг тутган ўрни ҳамда аҳамиятини таҳлил қилиш;

жониворлар ва улар билан боғлиқ рамзларнинг ўзбеклар ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

ўзбек халқи анъанавий дунёқараашлари тизимидағи анималотерапия\* усулларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг обьектини** Фарғона водийси ўзбекларининг ҳайвонот олами билан боғлиқ турмуш тарзи ва маданияти ҳамда дунёқараши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳайвонот олами билан боғлиқ дунёқарааш, анъана ва урф-одатларнинг ўзбек халқи турмушида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда шахсий кузатув, интервью, тизимли ва муаммовий ёндашув, қиёсий таҳлил ҳамда тарихий изчиллик каби антропологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

ўзбек халқининг жониворлар билан боғлиқ диний, мифологик, иқтисодий тасаввурлари табиатни асрашга қаратилган экологик билимлар билан узвий тарзда ривожланганлиги исботланган;

Фарғона водийси ўзбеклар турмуш тарзида уй ҳайвонлари – мавсумий маблағни сақлаш манбаи, маросимларда – рамзий ҳимоя, курбонлик обьекти, халқ табобатида – анималатерапея вазифасини бажариши илмий жиҳатдан асосланган;

глобаллашув жараёнида ўзбекларнинг ҳайвонларни парваришлаш усуллари – рақамли технологиялар, замонавий воситалардан фойдаланиш ва биогенетикадаги ўзгаришлар таъсирида ҳайвонларга нисбатан муносабатда ўзгаришларга учраганлиги далилланган;

миллий хунармандчиликнинг муҳим йўналиши бўлган кулолчилик, пичоқсозлик, атлас тўқищ, мисгарлик ва эгарсозликда ҳайвонларнинг сақловчи хусусиятга эга эканлиги ҳамда сехр кучига ишониш турли амалий безак шаклларининг вужудга келишида алоҳида аҳамият касб этиб, безак, шакл ва қисм кўринишида сақланиб қолганлиги илмий асосда далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуидагилардан иборат:

ўзбек халқида жониворларга нисбатан ижобий муносабат шаклланишининг тарихий-маданий омиллари таснифланди. Ушбу

---

\* Анималотерапия – замонавий тибиётнинг алоҳида йўналишларидан бири бўлиб, жониворлар ёрдамида инсонни даволаш.

тасаввурлар ўзбек халқининг табиатни асрашга қаратилган биоахлоқий қарашлари мажмусини ташкил этиши далилланди.

Тадқиқотда қўлга киритилган илмий хуросалар замонавий фан тармоқлари (тарих, этнология, антропология, маданиятшунослик) йўналишларидаги изланишларга асосланган. Хусусан, ҳудудий нуқтаи назардан, ҳайвонларнинг давлат рамзи сифатидаги ҳаритаси ишлаб чиқилди ва илмий муомалага киритилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тарих ва этнология фанларида эътироф этилган турли ёндашув ва усуллар максадли фойдаланилганлиги, тарихий адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий фанлар тадқиқот натижаларидаги самарали қўлланилгани, миллий қадрият ва анъаналарни ривожлантириш ҳамда асраб-авайлаш чора-тадбирларига доир қарор ва қонунларнинг тўғри талқин қилинганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек халқининг ҳайвонот дунёси билан боғлиқ этнографик билимларни кенг оммалаштириш ҳамда этноэкологик йўналишдаги тадқиқотлар ривожига хизмат қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақада табиатни асраш тизимида оид билимларни оммалаштириш, ҳайвонот олами тўғрисидаги илмий-оммабоп нашрларни тайёрлаш ҳамда этноэкологик кўникмаларни оммавий ахборот воситаларида тарғиб этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган илмий хуроса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали билан ҳамкорликда “Kamalakdek serjilo” номли кўрсатув сценарийсини тайёрлашда ҳайвонот оламига нисбатан мифологик, диний ҳамда ахлоқий қарашларга оид илмий хуросалардан фойдаланилган (“Dunyo bo‘ylab” телеканалининг 2017 йил 12 марта 08.14.109-сонли маълумотномаси). Ушбу маълумотнома ўзбекларнинг ҳайвонот олами билан боғлиқ тасаввурларини вужудга келиш омиллари ва турли тарихий босқичларда ўзгаришларга учрашига оид билимларни кенг жамоатчиликка таништиришда асос бўлиб хизмат қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида “Ўзбекларнинг замонавий этноэкологик маданияти” амалий лойиҳасини тайёрлашда мазкур тадқиқот жониворларга ижобий муносабатнинг руҳий-тарбиявий асослари, аҳоли тасаввурларида жониворларнинг сиймоси акс этиши, уларнинг халқ амалий санъати, хусусан, хунармандчиликдаги ифодаланишига оид илмий хуросаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 6 сентябрдаги №3/1255-2433-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тадқиқот ўзбекларнинг жониворларга нисбатан муносабати тўғрисидаги этноэкологик маданият тизимини тўғри тушуниш, талқин этиш ва кўникмаларини оммага тўғри тарғиб этишда муҳим манба вазифасини бажаради.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги анжуманларда қилинган маъruzаларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (улардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 146 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот обьекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, аprobацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганини ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг “Ҳайвонот дунёсига оид қарашларнинг назарий-методологик асослари ва муаммо тарихшунослиги” деб номланган биринчи бобида мавзуга оид тадқиқотлар, мактаблар, тадқиқот усуллари, уларнинг илмий таҳлили, тавсифи, ўзига хослиги, ютуқ ва камчиликлари ёритиб берилган.

Мазкур бобнинг “Муаммонинг назарий-методологик асослари ва тарихшунослиги” деб номланган дастлабки параграфида ҳайвонот олами билан боғлиқ тасаввурларнинг XIX аср охири – XX аср бошларидағи тадқиқотларда ёритилиши, илмий муаммога оид изланишларнинг назарий қарашлари, уларнинг аҳамияти, услубий ютуқлари ҳамда ўзбек халқи турмуш тарзида ҳайвонларнинг тутган ўрнини ёритилиши таҳлил қилинган.

XIX асрнинг ўрталарида эволюционизм мактаби вакиллари инсоннинг табиат билан боғлиқ қарашларини тадқиқ этишга катта хисса қўшдилар. Хусусан, ҳайвонот олами тўғрисидаги илк илмий изланишлар шотландиялик олим Жон Мак-Ленон томонидан амалга оширилди<sup>5</sup>. Шу боис, у фанда “тотемизм” назариясининг асосчиси сифатида эътироф этилади<sup>6</sup>.

XX аср бошларига келиб, ҳайвонот олами билан боғлиқ диний қарашлар турли ёндашувлар асосида кенгроқ ўрганила бошланди. Янгича тасаввур ва ёндашувлар илк тадқиқотлардаги тотем жонивор билан боғлиқ қатъий қарашларни инкор этди. Жумладан, бундай фикрларни илгари сурган

<sup>5</sup> McLennan J.F. The Worship of Animals and Plants // Fortnightly Review. – 1869. – №4. – Р. 407–427.

<sup>6</sup> Леви-Строс К. Тотемизм сегодня. Неприрученная мысль / Пер. с фран. А.Б. Островского. – Москва: Академический Проект, 2008. – 37 с.

олимлардан бири В. Хопкинс бўлиб, у бантуларнинг бир гуруҳи томонидан бургутни муқаддас саналишига тўхталар экан, қабила учун бургут тотем эмаслигини таъкидлаган эди<sup>7</sup>. Шунингдек, XIX аср охирида Д. Банзаров мўғуллардаги шомонлик эътиқодини тадқиқ қилиш жараёнида туркий халқларнинг жониворлар билан боғлиқ қатор ривоятларни келтирган эди<sup>8</sup>.

Ҳайвонларга нисбатан эътиқодий қарашларни танқидий таҳлил этиш ва унинг назарий асосларини мустаҳкамлаш долзарб муаммолардан бирига айлана борди. Бундай илмий асар дастлабки изланишлардан 30 йил ўтибина амалга оширилди. Масалан, Америка эволюционизм мактаби вакили Эдуард Тайлор ҳайвонларга нисбатан шаклланган ибтидоий қарашларни танқид қилган эди. У ҳайвонлар билан боғлиқ этиқодий қарашлар ёритилган илк назарий хulosаларини тотемизмга оид 10 (ўн) сахифадан иборат қайдномасини чоп эттириш орқали ўз фикрларини билдирган<sup>9</sup>. Ушбу мақолада олим Жеймс Фрэзер ва Жевонсларнинг диний антропологияга оид материалларидағи қарашларидан фойдаланган ҳолда хulosалар беради<sup>10</sup>. Жон Мак-Леннаннинг ҳайвонларга эътиқодий қарашга нисбатан вужудга келган қизиқиши музалифнинг бошқа бир асари бўлмиш – “Ибтидоий никоҳ” сабаб бўлганлиги билан изоҳлайди<sup>11</sup>.

Соломон Рейнах ҳайвонларга нисбатан эътиқодий қараш инсон дунёқарашининг асоси ва маросими ҳаётининг илдизларини ташкил этиши ҳамда қадимий (антик – асарда қадимги юон ва рим) диний тасаввурларга таъсир ўтказганлигини таъкидлайди<sup>12</sup>.

Ҳайвонот олами билан боғлиқ диний тасаввурларни тадқиқ этишнинг биринчи босқичи ана шундай қарашларга эга бўлди. Улар тотемизм (ҳайвонларга нисбатан эътиқодий дунёқараш)нинг шаклланиши ва унинг ибтидоий асосларига урғу берган ҳолда изланишлар олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар кейинги илмий изланишлар учун назарий асос вазифасини ўтади.

Ибтидоий диний қарашларда ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар француз социология мактаби асосчиси Эмил Дюргейм томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, у ўзининг “Диний ҳаётнинг элементар кўринишлари” асарида ҳайвонлар билан боғлиқ ишонч тизими, асосан, онг билан боғлиқ тушунча сифатида баҳоланган. Улар ижобий ва салбий ишонч кўринишлари бўлиб, унда ҳайвонот оламига нисбатан шаклланган эътиқодий қараш асосида қўрқув ётиши илгари сурилган<sup>13</sup>. Эмил Дюргеймнинг қарашларига кўра, дунёқараш эътиқоднинг асосини ташкил этади ва маросими ҳаёт, уруғчилик ҳамда никоҳ муносабатлари ушбу омилдан келиб чиқкан.

<sup>7</sup> Hopkins W. The History of Religions. – New York: The Macmillan company, 1918. – 25 р.

<sup>8</sup> Банзаров Д. Черная вера или шаманство у монголовъ и и другія статьи. – Санкт-Петербург: Типографія Императорской Академіи наукъ, 1891. – 83 с.

<sup>9</sup> Леви-Строс К. Первобытное мышление.... – 143 с.

<sup>10</sup> Tylor E. Remarks on Totemism, with Especial Reference to Some Modern Theories Respecting it // Journal of the Anthropological Institute of Great Britain and Ireland. – 1899. – Volume 28, Issue ½. – P. 138.

<sup>11</sup> McLennan J. Primitive marriage. – Edinburg: Adam and Charles Black, 1865. – 326 p.

<sup>12</sup> Reinach S. Cults, Myths and Religion. – London: David Nutt, 1912. – 8 p.

<sup>13</sup> Durkheim E. The Elementary Forms of the Religious Life. – New York: The Free Press, 1965. – P. 337–338.

Туркистон халқлари тарихида ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар, маросимлар ва аҳоли турмуш тарзи хусусидаги дастлабки илмий тадқиқотлар XX аср бошларида амалга оширилган. Ушбу илмий изланишларнинг асосий мақсади – этник тарих ва диний қарашларда қадимий эътиқодий тасаввурлар илдизлари, мифология, аҳоли машғулотлари, турмуш тарзи ҳамда маросимлари каби масалаларни очиб беришдан иборат эди. Шунга қарамай, ҳайвонлар билан боғлиқ муносабатлар уларнинг дикқат-эътиборини ўзига тортган ва изланишларда ушбу жиҳат ҳам ёритиб берилган.

М. Андреев ва Е. Пешеревалар тоғли ҳудуд аҳолисининг сут хўжалиги ҳамда у билан боғлиқ маросимларини таҳлил қилиб, чорвадан фойдаланиш ва қорамол билан боғлиқ аёллар томонидан ўтказилувчи маросимлар тўғрисида маълумотлар келтирган<sup>14</sup>. Ушбу тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, Туркистон халқлари турмуш тарзида ҳайвонлар муҳим роль ўйнайди ва мазкур ҳолат уларнинг маросимий ҳаётида яққол кўзга ташланади.

ХХ аср ўрталарига келиб, ушбу илмий муаммога янгича ёндашув бошланди ва аввалги изланишларга нисбатан амалий аҳамияти юзасидан сермаҳсул бўлди. Мазкур изланишларда ҳайвонлар билан боғлиқ қадимий эътиқодий тасаввурлар, дунёқараш ва маросимларга урғу берилди.

Бундай жиҳатлардан бири ҳайвон билан дағн этиш бўлиб, от билан дағн этилган қабр хусусида В.И. Спришевский алоҳида мақола эълон қилди. Мазкур мақолада Мирзо Улуғбек расадхонаси яқинидан топилган темир даврига тааллукли қабр очиб ўрганилганлиги таҳлил қилинган<sup>15</sup>. Унга қўра, ҳалқона диний тасаввурларда ҳайвонлар муҳим аҳамият касб этганлиги исботланди. Ушбу илмий мақола кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди ва ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурларни тадқиқ этиш долзарб масалага айлана борди.

Л.П. Потапов туркий халқлар орасида от ва қўйнинг дағн маросимларида кенг қўлланилиш сабабларига изоҳ беради, шунингдек, турли хил металлар ёрдамида жониворларнинг суратларини чизиш одати магик аҳамият касб этганлигини ҳам алоҳида қайд этади<sup>16</sup>.

Ушбу даврда Б.Х. Кармишева томонидан ўзбек-лақайларнинг хўжалик ҳаётида чорвачиликнинг ўрни ҳамда у билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ўрганилган. Мазкур олимга тадқиқотлар жараёнида лақайларда отга нисбатан муносабат, рангларига қараб уларни номлаш, ушбу жониворнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни турли касалликларда даволаш усуллари ҳамда от билан боғлиқ ишонч тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтиради<sup>17</sup>. Шунингдек, муаллиф ўзбек қишлоқлари аҳолисининг чорвачилик билан боғлиқ анъаналари, ҳайвонларга оид ҳалқ билимлари ва мавсумий маросимларни чукур таҳлил қиласиди. Жумладан, бўри культи билан боғлиқ аҳоли

<sup>14</sup> Андреев М.С. По Таджикистану. Краткий отчет о работах этнографической экспедиции в Таджикистане в 1925 году. – Ташкент, 1927. – Вып. I. – 29 с.; Пещерева Е. Молочное хозяйство горных таджиков и некоторые связанное с ним обычаи.... – 42–59 с.

<sup>15</sup> Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э. обнаруженное около обсерватории Улугбека / Труды Музея истории народов Узбекистана. Т. 1. – Ташкент, – 1951. – С. 33–42.

<sup>16</sup> Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. – Москва–Ленинград, 1953. – 70 с.

<sup>17</sup> Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана.... – 80–114 с.

тасаввурлари ҳақида кенг кўламли маълумотлар бериб, Бўритош ва бошқа исмларни ҳали ҳам учратиш мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, “Бўри” исмини бериш билан боғлиқ халқона қарашларни ҳам батафсил баён қиласди<sup>18</sup>.

Г.П. Снесарев томонидан Хоразм аҳолисининг ҳайвонот оламига оид кўплаб материаллари кенг жамоатчиликка тақдим қилинган. У ўз тадқиқотида эътибор берилган маросимларни ўтказишда жониворлардан фойдаланиш юзасидан чукур илмий таҳлилни амалга оширган. Айниқса, Хоразм аҳолиси орасида уй ҳайвонларига нисбатан шаклланган қарашларнинг тарихий илдизларини танқидий ёритиб беради. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мазкур олим олиб борган кейинги кузатувлари орқали ўзбек халқи дунёқарашида муқаддас жониворлар сақланиб қолган, дея илмий хулосага келган эди<sup>19</sup>. Айниқса, бўри халқ орасида алоҳида аҳамиятга эга жонивор эканлигини мисол сифатида келтиради.

Совет даврида бажарилган илмий тадқиқотларда, асосан, қадимий эътиқодий қарашлар илдизларини топиш, аниқлаш, ёритиш ҳамда ислом динига бўлган таъсирини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Аммо, айнан ушбу илмий муаммо юзасидан алоҳида тадқиқотлар саноқлигина бажарилган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг диний қарашларига холисона баҳо берилмаган. Айниқса, ҳайвонларга нисбатан аҳолининг муносабати сабаблари тўлиқ таҳлил қилинмаган. Балки, айрим жиҳатларигина тадқиқот дикқат марказида бўлган ва тавсифий ёритилган бўлиши мумкин. Бунга мисол сифатида Г.П. Снесаревнинг тадқиқотларини келтириш мумкин. Чунки, мазкур олим, асосан, ўзбек халқи турмуш тарзидаги қадимий диний одатлар изларига катта урғу бериб, муқаддас зиёрратгоҳлардаги ҳайвонларга муносабатни ушбу қарашларнинг ислом динига таъсирида қолган ўтмиш сарқити, деб нотўғри баҳолаган.

Биринчи бобнинг “Ҳайвонот олами билан боғлиқ замонавий илмий қарашлар” деб номланган иккинчи параграфида замонавий илмий изланишларда ҳайвонот олами таҳлили асосида турли йўналишлар ва мактаблар томонидан илгари сурилган қарашларга баҳо берилган. Айниқса, маҳаллий элшунос ва тилшунос мутахассисларнинг бир қатор тадқиқотларида ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашлар таҳлил қилинган<sup>20</sup>.

<sup>18</sup> Кармышева Б.Х. Этнографические очерки узбекского сельского населения.... – 214 с.

<sup>19</sup> Снесарев Г.П. Люди и звери // СЭ. – 1972. – №1. – С. 167–176.

<sup>20</sup> Маликов А.М. Тюрки в среднеазиатском междуречье в VI–VIII вв. (по археологическим источникам): дисс.... к.и.н. – Самарканд, 2000. – С. 183.; Есбергенова С.Х. Почитание животных в культовой практике каракалпаков (конец XIX – середина XX вв): дисс.... к.и.н. – Нукус, 2001. – С. 154.; Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 275-бет.; Мухаммеджанова Г.Р. Семантизация существительных в учебном узбекско-русском словаре (на материале номменований животных узбекского языка): дисс.... к.ф.н. – Ташкент, 1995. – С. 123.; Саидова Ҳ.А. Ўзбек тилида ҳайвон номларининг шахс тавсифи вазифасида кўлланиши: ф.ф.н. дисс. – Бухоро, 1995. – 178 бет.; Жумаева С.Ч. Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларнинг генетик асослари ва спецификаси: ф.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 1996 – 26 бет.; Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида ҳайвон архисхемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: ф.ф.н. дисс. – Тошкент, 2000. – 120 бет.; Тиллов А. Ўзбек халқ достонларида от образи: ф.ф.н. дисс. – Тошкент, 2002. – 154 бет.; Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи: ф.ф.н. дисс. – Тошкент, 2004. – 128 бет.; Ismailov A. Totemic foundations of the Uzbek anthroponomy // Motif Akademi Halkbilimi Dergisi. – 2014. – №2. – Р. 313–320.

Замонавий жамиятда ҳайвонот олами ва дин масаласи йўналишида В.Н. Топоров, З.П. Соколова, Х. Иломаки, И. Стренский, И.Ю. Котин, Е.С. Соболев, Р. Жонс, Ж. Л. Делюв, Л.В. Гален, К. Эберсольд, В. Стантон, И.Ю. Винокурова, С.Н. Волков, С.Е. Кузина, В. Читтик, А. Дудин, Д. Груметт, Э. Бенжамин, Ж. Моррис, Л.К. Текеева, М. Стречи, П. Мукулуки, К.М. Мпянгу, К. Стилдт, М. Мин, Ч.Ч. Зав, Д. Бовз, Ш. Мерс, К.С. Васильцов каби хорижлик тадқиқотчилар<sup>21</sup> нинг эълон қилган ишлари кенг кўламда таҳлил қилинган.

Жониворларнинг инсоният тараққиётидаги ўрни, уларнинг ўзига хос идентификацияси, ҳайвон онгидаги инсонга нисбатан муносабат кўринишлари ва ҳайвоннинг хонакилаштирилиши тенденциялари жиҳатлари хусусида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар сирасига Т. Ингольд, Т. Н. Дмитриева, Л. Келоф, Д. Вошбурн, К. Андерсон, А. МакКоннел, К. Бравн, Т. Шода, Л. Стейтон, М. Коллин, М. Зидер, Л. Огден, Б. Холл, К. Тамита, М. Либел, Г. Герцог, М. Жалонго, Л. Хемильтон, Н. Тейлор, Б. Су<sup>22</sup> ва

<sup>21</sup> Топоров В.Н. Космогонические мифы / Мифы народов мира. Энциклопедия. – Москва, 1980. Т. 2. – С. 6–9; Соколова З.П. Культ медведя и медвежий в мировоззрении и культуре народов Сибири // ЭО. – 2002. – №1. – С. 41–62; Ilomäki H. Animals in People's Mind and in the Language of Folklore // <http://www.folklore.ee/folklore/vol21/animals.pdf>. (13.10.2017).; Strenski I. Theology and the first theory of sacrifice. – Leiden, Boston: Brill, 2003. – 248 р.; Котин И.Ю., Соболева Е. С. Рогатые зайцы и другие фантастические животные в Южной Германии / Бестиарий III. Зооморфизмы в традиционном универсуме. – Санкт-Петербург: Кунскамера, 2004. – С. 186–189; Jones R. A. The secret of the totem. Religion and society from McLennan to Freud. – New York: Columbia University Press, 2005. – 348 р.

<sup>21</sup> DeLeeuw J.L., and others. Support for Animal Rights as a Function of Belief in Evolution, Religious Fundamentalism, and Religious Denomination. Society and Animals // Koninklijke: Brill NV. – Leiden, 2007. – Р. 353–363; Винокурова И.Ю. Животные в традиционном мировоззрении вепсов (опыт реконструкции): автореф. дисс....д.и.н. – Петрозаводск, 2007. – С. 44.; Волков С.Н., Кузина С.Е. Тотемизм – как форма эзотерических верований и способ существования // Социологические исследования. – 2009. – №9. – С. 103–106.; Chittick W.C. The Wisdom of Animals // Journal of the Muhyiddin Ibn' Arabi Society. – 2009. – Volume 46. – Р. 27–37.; Дудин А. Височные подвески – «бараньи рога» и некоторые вопросы мировоззрения ранних кочевников // Актуальные проблемы. – 2009. – Вып. 12. – С. 8–15.; Grumett D. Christian Attitudes to Animals // [www.animalsentience.com](http://www.animalsentience.com) (12. 04. 2018). – Р. 1–5; Benjamin A. Of Jews and Animals. – Edinburg University Press, 2010. – 196 р.; Morris J. Investigating animal burials. Ritual, mundane and beyond. – BAR British Series 535. – 2011. – 238 р.; Текеева Л.К. Зоолатрия в традиционной культуре карачаевцев и балкарцев: автореф. ... дисс...к.и.н. – Нальчик, 2006. – С. 218.; Ўша муаллиф: Культ волка в традиционных представлениях тюркоязычных народов Северного Кавказа // Вестник Пермского университета. – 2012. – №3 (20). – С. 37–42; Ўша муаллиф: Домашние животные в традиционном мировоззрении тюркоязычных народов Северного Кавказа (XIX – начало XX вв.) // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2013. – №11. – С. 167–170; Mădălina S. “The Myth/Symbol of the Wolf in Sparta, Dacia and Rome” în Coordonatori: Ana-Cristina Halichias, Theodor Georgescu, Sapientia et scientia. In honorem Luciae Wald, Bucureşti, Editura Universității din Bucureşti, 2014. – Р. 292–299; Bukuluki P., Mpyangu Ch. The African Conception of Sacrifice and its Relationship with Child Sacrifice // International Letters of Social and Humanistic Sciences. – 2014. – №30. – Р. 12–24; Stilt K. Animal Welfare in Islamic Law. – Chicago: Northwestern University of Chicago, 2015. – 48 р.; Min M., Zaw Ch. Animal care: An islamic perspective with particular reference to unwanted pets – stray dogs and cats // International Journal of Business, Economics and Law. – 2016. – Vol. 9. – Issue 5. – Р. 153–165; Boze D. Creating history by recreating the Minoan Snake Goddess // Journal of Art Historiography. – 2016. – №15. – Р. 1–31; Merz Sh. “Crocodiles are the Souls of the Community” An Analysis of Human-Animal Relations in Northwestern Benin and its Ontological Implications: PhD. from Anthropology. University of Exeter, 2018, – Р. 346; Васильцов К.С. Образ горного козла (нахира) в мифологии и религиозных представлениях горцев Западного Памира // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого. [http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03\\_03/978-5-88431-271-5/](http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_03/978-5-88431-271-5/) © МАЭ РАН. – С. 152–169.

<sup>22</sup> Ingold T. Companion Encyclopedia of Anthropology. – London and New York: Routledge, 2003. – 127 р.; Ўша муаллиф: What is an animal? – London and New York: Routledge, 2003. – 191 р.; Дмитриева Т.Н. Проблема тотемизма в историографическим аспекте // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого. <http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/02/978-5-88431-275-3/> © МАЭ РАН. – С. 263–283;

бошқаларнинг хулосалари, илмий ютуқлари ҳамда ушбу хулосаларнинг замонавий жамиятни илмий ўрганишдаги аҳамиятини киритиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда амалга оширилаётган сўнгги тадқиқотлар янгича қамров ҳамда фанлараро ёндашувни талаб этмоқда. Уларда дунё динларидаги анъанавий консерватив карашлар, фан-техника тараққиёти туфайли, биологик, психологик, генетик ва бошқа замонавий илмий йўналишлар кесишуvida жониворлар оламига янгидан баҳо берилмоқда. Баъзи тадқиқотларда инсонга яқин генетик хусусиятга эга ҳайвонларни тадқиқ этиш ва органларини кўчириб ўтказиш имкониятлари долзарб аҳамият касб этаётган бўлса, бошқа бир гурух олимлар томонидан эса инсон ҳамда ҳайвон муносабатлари ижтимоий-иктисодий жараёнлар контекстидаги ўрганилмоқда.

Диссертациянинг “Ўзбек халқи дунёқараси тизимида ҳайвон культигининг акс этиши ва оиласи маросимлардаги қарашлар” деб номланган иккинчи бобида жониворлар билан боғлик дунёқарашлар тарихи, мифологияси ҳамда ўзбек халқи маросимий ҳаётида турли ҳайвонларнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг “Ҳайвонот дунёси билан боғлик тасаввурлар тарихи ва мифологияси” деб номланган биринчи параграфида ўзбек халқи дунёқарасида жониворларнинг ифодаланиши, рамз сифатидаги аҳамияти, олам ҳамда одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги афсоналардаги талқини очиб берилган. Шунингдек, ушбу фаслда археологик, сферагистик, нумизматик ва ёзма манбалардаги ҳайвон билан боғлик дунёқараш кўринишлари ҳамда маросимларнинг қайд этилишига эътибор қаратилган. Шунингдек, жониворларни кўлга ўргатиш жараёни ва минтақанинг ҳайвонот дунёси билан боғлик ўзига хос маданияти шаклланганлиги эътироф этилган.

Тарихдан маълумки, қадимги диний тасаввурлар ва мифологик қарашларга кўра, ҳайвонлар худоларнинг ердаги сурати, инсон ҳамда худо ўртасидаги воситачи, ҳомий, сақловчи тумор, аждод каби сифатлар билан улуғланган. Ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши унга нисбатан диний-мифологик тасаввурларнинг ривожланиши ва уларни маросимий ҳаётнинг бир қисмига айланишига сабаб бўлган. Қолаверса, ҳайвонларни кўлга ўргатилиши натижасида ундан транспорт мақсадида ҳам фойдаланилган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, илк бора ҳайвонларнинг аравага қўшила

---

Kalof L. Looking at Animals in Human History. – London: Reaktion Books, 2007. – 222 p.; Anderson K. The Beast Within: “Race, Humanity, and Animality”, Environment and Planning // Society and Space. – 2000. – №18. – P. 301–320; McConnell and others. Friends With Benefits: On the Positive Consequences of Pet Ownership // Journal of Personality and Social Psychology. – 2011. – №6. – P. 1239–1252; Zeder M.A. The domestication of animals. // Journal of anthropological research. – 2012. – Volume 68. – №2.– P. 161–190; Ogden L., Hall B. and Tanita K. Animals, Plants, People, and Things. A Review of Multispecies Ethnography // Environment and Society: Advances in Research. – 2013. – №4. – P. 5–24; Libell M. Seeing Animals. Anthropomorphism Between Fact and Function // Exploring the Animal Turn. Pufendorfinstitutet, MediaTryck, Lund. – 2014. – P. 141–153; Herzog H. Biology, culture, and the origins of pet-keeping. Animal Behavior and Cognition. – 2014. – №1 (3). – P. 296–308; Jalongo R. An Attachment Perspective on the Child-Dog Bond: Interdisciplinary and International Research Findings / Early Childhood Educ J. – New York: Springer Science+Business Media. – 2015. – P. 395–405; Hamilton L., Taylor N. Ethnography after humanism. Power, Politics and Method in Multi-Species Research. – Palgrave Macmillan, 2017. – 205 p.; Su B. Human-Animal Relationships: A Cross-Cultural Comparison of Human Attitudes towards Animals: diss.... (DSc) from Anthropology. – Maastricht, 2018. – 243 p.

бошланганлиги Фарғона водийси ҳудудидан топилган қоятош суратларида сакланиб қолган<sup>23</sup>. Жумладан, водий ҳудудида жойлашган Ворух ёдгорлигидаги қабрларда ҳайвон суюклари қўйдирилган ҳолатда дафн этилган<sup>24</sup>. Ушбу ҳолатдаги дафн этиш маросимлари ҳайвонлар иштирокида турли усулларда амалга оширилганлиги ва улар маълум вазифани бажарганлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг шимолида от, қолган ҳудудларида эса кўй ва эчки билан дафн этиш одати кенг тарқалган. Хусусан, кенг дашт ҳудудларида йилқичилик билан шуғулланиб келган аҳолининг дафн маросимларида марҳум билан бирга от ҳам кўмилган. Археолог олимларнинг таъкидлашича, милоддан аввалги VII–VI асрларда минтақада йилқичилик тараққий этган ва ушбу машғулот дафн маросимларига сезиларли таъсир ўтказган<sup>25</sup>.

Қадимдан ҳайвонларга нисбатан муносабатни белгилашда диний дунёқарашлар муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, зардуштийликда маъбуд ва маъбудаларнинг сифатлари турли ҳайвонлар кўринишида ифодаланган. Шунингдек, зардуштийларнинг тасаввурида илоҳий қушлар ҳам бўлиб, улар маъбуд ва маъбудалар қаторидан ўрин олган. Булар: Семурғ ва Ҳумо қушлари эди. Бундан ташқари, Сенмурв, Апаоша, Барви, Захҳок ва Аждаҳо каби ижобий ҳамда салбий тасаввурий ҳайвонлар ҳам ўрин олган<sup>26</sup>.

Турк хоқонлигига ҳайвонларга нисбатан ўзига хос эътиқодий қараш устун бўлган. Жумладан, туркийлар ўзларининг келиб чиқишини шаҳзода ва она бўри билан боғлаганлар. Шунинг учун ҳам “турк хони” ва “бўри” тушунчалари синоним ҳисобланган. Масалан, Турк хоқонлиги байроғида бўрининг олтин боши ўрин олган<sup>27</sup>. Қадимги турк асотирларида бўри рангига кўра, Кўк бўри, Оқ бўри, Қизил Бўри деб аталган. У турк асотирларида Бўри, Бўрта, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар, Қашқир, курт номлари билан тилга олинади<sup>28</sup>. Шунингдек, туркийларда “аша” ва “ашин” атамалари бўрини англатган<sup>29</sup>.

Қадимдан жониворларнинг тасвиirlари давлат рамзлари сифатида ҳам хизмат қилган. Чунки, бир қатор муҳр ва тамғаларда тотем жонивор ёки ижтимоий табақани белгиловчи ҳайвонлар сурати учрайди. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудидан топилган илк муҳрларда аждар, лочин, илон, от, ҳумо ва кийик тасвиirlари туширилганлиги аниқланган<sup>30</sup>.

<sup>23</sup> Новоженов В.А. Чудо коммуникации и древнейший колесный транспорт Евразии / Под редакцией Е. Е. Кузьминой. – Москва: Таус, 2012. – 170 с.

<sup>24</sup> Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. – Москва: Наука, 1972. – 19 с.

<sup>25</sup> Сагдулаев А.С. Бактрийская легенда. – Ташкент: Узбекистан, 1990. – 63 с.

<sup>26</sup> Снесарев, Г.П. Хорезмские легенды – как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – Москва: Наука, 1983. – 155 с.; Тревер К.В. Сэнмурв-Паскудж, собака-птица. – Ленинград: Государственный Эрмитаж, 1937. – 9 с.; Авеста русских переводах (1861–1996) / Составления, общая редакция, примеч., спров. разд. И.В. Рака. – Санкт-Петербург: Нева, 1997. – 14 с.; Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 18–42.

<sup>26</sup> Авеста русских переводах (1861–1996).... – С. 14.

<sup>27</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 28.

<sup>28</sup> Аширов А.А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.... – Б. 15.

<sup>29</sup> Йўлдошев М., Йўлдошева С. Қадимий манбаларда умумтуркий сўзлар // Moziydan sado. – 2010. – №1 (45). – Б. 18.

<sup>30</sup> Ботиров И. Илк давлатчилик муҳрлари // Moziydan sado. – 2013. – №4 (60). – Б. 2.

Маҳмуд Қошғарий туркийларнинг ҳайвонлар билан боғлиқ 20 дан ортиқ тамғалари бўлганини қайд этган. Хусусан, “тоғ эчкиси” ашина уруғининг тамғаси ҳисобланган<sup>31</sup>. Ю. Зуевнинг фикрича, Хитой манбаларида ашина тамғаси қарға шаклида бўлган<sup>32</sup>. Тоғ эчкиси тамға сифатида акс эттирилган худудлар сирасига Мўғалистон, Тува, Олтой, Қозоғистон, Шарқий Туркистон қаторида Фарғона водийсини ҳам киритиш мумкин<sup>33</sup>.

Кушон тангаларида фил, зебу буқаси ва қоплон каби ҳайвонлар тасвири бўлган<sup>34</sup>. Умуман олганда, минтақада араблар истилосигача ҳайвонга эътиқод кенг тарқалган. Жумладан, Уструшонада филга нисбатан эътиқодий караш узок вақт сақланиб қолган<sup>35</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ўзбек ҳалқи дунёқарашида жониворларга нисбатан тасаввурлар ўзида этник, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий белгиларни намоён этади. Ўзбек ҳалқи аждодлари моддий ва номоддий маданиятида ушбу жиҳатлар сақланиб ҳамда сайқалланиб қелган. Жониворлар муҳрлар, давлат туғлари, тангалар, деворий суратлар ва уй-рўзор буюмларида давлат рамзи, сақловчи ҳомий ҳамда инсоннинг келиб чиқиши ибтидоси сиймоси кўринишларида ифодаланган. Хусусан, Турк хоқонлигига бўри давлат рамзига айланган бўлса, кейинчалик ҳар бир вилоят ана шундай маҳаллий тимсолларга эга бўлади. Бундай давлат рамзлари турли хил афсона ва ривоятлар билан аҳоли онгидаги янада мустаҳкамланган.

Тарихий тараққиёт жараёнлари ва диний дунёқараашларнинг ўзгариши натижасида ҳайвонот оламига муносабат чегаралари ҳам турлича кўриниш олган. Натижада, қадимдан улуғланиб қелган айрим диний аҳамиятга эга бўлган жониворлар салбий аҳамият касб эта бошлади. Масалан, ит, илон, тўнғиз ва бойўғли каби жониворлар аста-секин салбий аҳамиятни ўзида мужассам эта борди. Асрлар давомида бундай дунёқарааш кўринишлари ислом дини таъсирида ўзгариб борди ва тасаввурларнинг айрим кўринишларида сақланиб қолди.

Иккинчи бобнинг “Ҳайвонлар билан боғлиқ қараашларнинг этнолокал ҳусусиятлари” деб номланган кейинги параграфида жониворлар билан боғлиқ дунёқараашнинг этнолокал ўзига хослиги таҳлил қилинган.

Маълумки, ўзбеклар ҳайвонларни ҳомий, ҳимоячи, барака келтирувчи, эзгу ишлар учун тақдирловчи, гуноҳлар учун жазоловчи, инсонлар ва авлиёларнинг ҳамроҳи, даволаш ҳусусиятига эга, хавф-хатардан огоҳлантирувчи каби сифатлар билан тавсифлаб келганлар. Фарғона водийсида бўри, от, қўй, қорамол, эчки, илон, бақа ва бошқа кўплаб

<sup>31</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луготит турк. I том. – Тошкент: Фан, 1960. 89–91-бетлар.

<sup>32</sup> Тамги доисламской Центральной Азии. – Самарқанд: МИЦАИ, 2019. – 353 с.

<sup>33</sup> Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о генезисе тамг на монетах Западно-Тюркского каганата / Материалы международной научной конференции «Археология Казахстана в эпоху независимости: итоги, перспективы», посвященной 20-летию Независимости Республики Казахстан и 20-летию Института археологии им. А. Х. Маргулана 12–15 декабря 2011 г. – Алматы, 2011. Том II. – 296 с.

<sup>34</sup> Ртвеладзе Э. Древние монеты Средней Азии. – Ташкент, 1987. – 27–31 с.

<sup>35</sup> Gritsina A.A., Mamadjanova S.D., Mukimov R.S. Archeology history and architecture of medieval Ustrushana. – Samarkand: IICAS, 2014. – 12 p.

ҳайвонлар омад келтирувчи ҳамда асровчи хусусиятга эга, деб ишонилган. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг сақловчилик вазифасини уларнинг тумор сифатида ясалган бирор қисми ёки улар билан боғлиқ жиҳозларда кўриш мумкин. Масалан, эрта тонгда ким йўлида бўрини кўрса, куни омадли бўлишига ишонадилар. Хоразм аҳолиси тасаввурларига кўра эса, киши бирор юмуш билан кўчага чиқса, бозорга бориб, қўйнинг бошини силаши шарт бўлган. Агар шундай қилса, унинг ўша кунги ишлари яхши тарафга хал бўлишига ишонилган<sup>36</sup>.

Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларида тоғ эчкиси (архар) билан боғлиқ қарашлар сақланиб қолган<sup>37</sup>. Аҳоли орасида ҳозиргача тоғ эчкиси “бузрук” деб аталади. Тоғ эчкисига бундай муносабат илк ўрта асрлардаги туркийларда шаклланган кийик билан боғлиқ қарашларнинг таъсири бўлиши мумкин. Чунки, маҳаллий аҳоли кийикни “така” деб ҳам атайди.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, Фарғона водийси аҳолисининг кундалик ҳаётида ёввойи ҳайвонларга нисбатан қарашлар трансформацияга учраган бўлиб, халқ турмуш тарзида деярли сезилмайди. Афсона, асотир, ҳикоя, мақол ҳамда халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналарида жониворларга оид эътиқод изларини учратиш мумкин ва улар билан боғлиқ ишонч кўринишлари ҳам мавжуд.

Иккинчи бобнинг “**Оилавий маросимларда жониворлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар**” деб номланган учинчи параграфида ўзбек халқи оилавий маросимларида ҳайвонларнинг тутган ўрни, уларга бағишилаб ўtkазилувчи маросимлар ва мазкур жараёнларда жониворлардан фойдаланиш одатлари очиб берилган.

Маълумки, ўзбек халқи оилавий маросимларида жониворлар мухим аҳамият касб этади. Фарзанд туғилишидан тортиб то дафнгача бўлган маросими ҳаётда инсон ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабат акс этган кўплаб урф-одатлар мажмуасини кўриш мумкин.

XX асрнинг бошларида водий ўзбекларида фарзанд туғилишида туғруқ енгил кечиши учун бўри терисидан фойдаланилган. Фарзанд кўриш имкони бўлмаган айрим аёллар бўрининг тишини осиб юриш одати бўлган<sup>38</sup>. Аҳоли ишончига кўра, бўрининг тиши ёки териси магик хусусиятга эга бўлиб, у бепушт аёлларга фарзанд дунёга келишига ёрдам беради, деб хисобланган. Бўри терисини сувга чайиб ичирилса, туғмаган аёлларга фойда беришига ишонч мавжуд бўлган<sup>39</sup>. Бўри тиши теккан жониворлар гўштини истеъмол қилиш келин-куёвлар ва бефарзанд аёллар учун фойдали хисобланган<sup>40</sup>. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи дунёқарашлари тизимида бўрига нисбатан алоҳида ишонч тизими шаклланган.

Бепушт аёлларнинг фарзанд кўриши учун бажарилувчи амалларда фақатгина бўрининг қисмларидан эмас, балки бошқа жониворлардан ҳам

<sup>36</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969. – С. 317.

<sup>37</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил.

<sup>38</sup> Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – 17-бет.

<sup>39</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2018 йил.

<sup>40</sup> Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – 18-бет.

фойдаланилган. Булар қаторига қорамол, от, қўчкор, ит, қуён каби уй ва ёввойи ҳайвонларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Ҳайвон қисмлари билан бирга, унинг номи ҳам сақловчи характерга эга хисобланган. Шунинг учун ўзбек халқи орасида ҳайвон исмларидан сақловчи сифатида фойдаланиш одат тусига кирган. Хусусан, бола туғилгандан сўнг кўп касалга чалинаверса, қўчкор исми берилган ва ушбу жониворнинг номи магик аҳамиятга эга эканлигига ишонилган<sup>41</sup>. Ҳозирги кунда ҳам бола туғилиши билан боғлиқ одатларда ушбу исмдан фойдаланиш Фарғона водийси аҳолиси орасида учраб туради. Бундай исм беришдан мақсад, фарзанднинг касалликлардан фориг бўлишидан ташқари, унинг улгайишида ушбу ҳайвон сифатларининг чақалоққа ўтишига ишонч бўлган. Бугунги кунда ҳам ўзбек халқи орасида фарзандларига Шерзод, Лочин<sup>42</sup>, Кўчкор каби исмлар берилади.

Ҳайвон қисмларидан тумор сифатида фойдаланиш қадимдан барча халқлар дунёқарашида мавжуд бўлиб, ўзбекларда ҳам ушбу қоидага амал қилиб келинган. Натижада, улардан фойдаланишнинг ўзига хос меъёрлари шаклланган ва ҳудудий нуқтаи назардан маълум тафовутларга эга.

Водийликлар турли ҳайвонларнинг қисмларидан кундалик турмушда тумор сифатида фойдаланадилар. Масалан, Андижон вилояти Булоқбоши туманида туморлар қирқ марта “Ёсин” сураси ўқиб дам солинсагина, ҳақиқий сақловчи туморга айланади. Акс ҳолда, у бир парча ҳайвон бўлагилигича қолиши мумкин, деган қараш кенг тарқалган<sup>43</sup>.

Ўзбекларда фарзанд туғилгандан сўнг унга биринчи кийдирилган кўйлак “ит кўйлак” деб аталган. Ушбу кўйлак чақалоқ чилласи чиққач, ечиб олинган ва итга ёзиб берилган. Болага тегиши мумкин бўлган бало ва касалликларни шу орқали итга ўтказиб юбориш мумкин, деб ишонилган. Ит магик йўл орқали ушбу касаллик ҳамда нохушликларни ўзига тортиб олиши тасаввур қилинган. Бундан ташқари, итнинг тиши болани сақловчи тумор сифатида янги туғилган чақалоққа осиб кўйилган. Ит кўйлак кийдириш одати ўзбеклардан ташқари тожик, қирғиз, қозоқ ва корақалпокларда ҳам мавжуд бўлган<sup>44</sup>.

Бола туғилишида бажариладиган ёки унга кийдирилувчи илк кийим билан боғлиқ маросимларда бўри тиши, териси, от ёли, қуш патини тумор сифатида тақиб кўйиш одати бўлган. Айниқса, қуш патидан фойдаланиш энг қадимий ишонч кўринишларидан бири бўлиб, бунда ибтидоий диний тушунчалар, қадимий диний қарашлар ва исломий тасаввурлар ўзаро коришиб кетган.

Кўйнинг суюги билан адо этилувчи магик маросимлар қадимдан бажариб келинган. Хусусан, кўйнинг курак суюги билан ҳам маълум мақсадлар назарда тутилган ҳолда амал бажарилади. Азалдан туркий халқлар кўйнинг

<sup>41</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.... – 316 с.

<sup>42</sup> Баҳронова Д.К. Олам манзарасининг миллий-маданий ва лингвокогнитив категорияланиши. – Тошкент: Turoq-iqbol, 2021. – 85-бет.

<sup>43</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ кишлоғи. 2018 йил.

<sup>44</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.... – 320 с.

курак суюгидан башорат ёки ёвуз руҳларни қувиш учун, Фарғона водийси худудида эса қўйнинг курак суюгидан бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Ўзбек халқи дунёқарашига кўра, ҳайвонлар инсонни саклаш билан бирга даволаш хусусиятига ҳам эга бўлади. Бундайлар сирасига уй ва ёввойи ҳайвонлар қатори қушлар ҳамда балиқлар ҳам киради. Улардан халқ табобатида ҳам амалий, ҳам мистик жиҳатдан даволаш мақсадида кенг фойдаланилган. Ҳайвонлардан бундай мақсадларда фойдаланиш ушбу культ билан боғлиқ маросимларнинг сакланган қўриниши бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбекларда ҳайвонлардан деярли барча мавсум ва ҳолатлардаги оилавий маросимларда кенг фойдаланилади. Асрлар давомидаги кенг қўламли маданий алоқалар туфайли ушбу маросимлар коришиқ тарзда шаклланган ва қадимий диний тасаввурлар исломий тушунчаларга сингиб кетган.

Ҳайвонларнинг ўзбек халқи оилавий маросимларидағи иштироки кейинги даврга келиб халқ табобати билан қоришиб кетган ва натижада мистик табобатда улардан фойдаланиш одатлари кенг тарқалган. Улар ўзининг аввалги маросим хусусиятини йўқотган бўлса-да, исломий тасаввурлар билан аралашиб кетган. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг магик хусусияти борлигига ишонч аҳолини руҳий жиҳатдан даволашда ўз аҳамиятини саклаб қолган ва бугунги кунда ҳам унга даволовчи восита сифатида қаралади.

Диссертациянинг “Жониворларнинг ижтимоий ҳаёт ва хўжаликда тутган ўрни” деб номланган учинчи бобида ўзбекларнинг ҳайвонга нисбатан муносабатини ривожланиш босқичлари, кундалик ижтимоий ҳаётда жониворларнинг ўрни, дехкончилик ва чорвачиликда ҳайвон культи ҳамда ҳунармандчилиқдаги ҳайвонларнинг сиймоси таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг “Инсон ва ҳайвон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш босқичлари” деб номланган биринчи параграфида водий аҳолиси ижтимоий ҳаётида ҳайвонларнинг ўрни ҳамда аҳамияти очиб берилган. Қадим аждодларимиз томонидан ўрнатилган меъёрлар маълум тасаввур ва қарашларга асосланади. Аҳоли орасидаги мавжуд қарашлар уй ҳайвонларини парваришлаш ва бошқа жониворларни табиатдаги ўрнини англаған ҳолда уларни асраршга интилишга олиб келади.

Қадимдан жониворларга нисбатан анимализм асосида муносабат бўлган. Яъни, ҳайвонот олами ўсимлик дунёсидан ажратиб олиниб, ушбу кўнилмалар асосида тирик мавжудотлар фарқланади ва унга нисбатан маълум муносабатлар шаклланади<sup>45</sup>. Натижада, ҳайвонот олами инсон учун табиатдаги алоҳида бирлик сифатида таснифланади.

Ҳайвонот олами ҳам инсон томонидан маълум гурухларга бўлинади ва ушбу таснифлаш орқали уларга нисбатан муносабат шаклланади. Уларни гурухларга ажратишда ҳайвоннинг инсон турмуш тарзидаги ўрни, феълатвори, ташқи қўриниши каби турли омиллар муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, уларнинг жамиятдаги ўрни айнан ушбу саралаш талабларига кўра

<sup>45</sup> Ingold T. What is an animal? – London and New York: Routledge, 2003. – 1–2 p.

шаклланади. Шундай саралаш меъёрларидан бири антропоморфистик қарашларда яққол намоён бўлади. Антропозооморфизм қадимдан инсоннинг ҳайвонот оламига нисбатан муносабат ўрнатиши назарий асослари сифатида хизмат қилиб келади. Унга кўра, табиатдаги жониворлардан айримлари ўзини тутишидан инсонга хос бўлган хулқ-атвор аломатларга эга бўлган. Бундан ташқари, ҳайвонлар ҳам ўзаро муносабатларга эгалиги, оила қуриши, егулик учун инсон каби курашиши қиёсланган<sup>46</sup>. Бундай ўзига хос қарама-карши аломатларни ўзида намоён этадиган жараён, деб баҳолаш мумкин. Хуллас, бундай қарашлар асосида инсон ҳайвондан ўзига хослик ва ўз навбатида одамдан эса ҳайвонотга хослик мавжуд, деган қараш шаклланган.

Маълумки, қадимдан инсонлар ҳайвонларни қўлга ўргатиш орқали бутун бошли иқтисодий тармоққа асос солган ва уларни парваришилаш кенг тарқалган. Шундай тармоқлардан бири – чорвачилик бўлиб, у ахолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ижтимоий ҳаётда ҳайвонларнинг тутган ўрни ва аҳамияти қишлоқ ҳамда шаҳарда икки хил динамикани кўрсатади. Қишлоқликлар учун уларни парваришилаш маълум бир машғулот сифатида аҳамиятли бўлса, шаҳар аҳолиси учун эса эрмак ва қизиқиш сифатида қаралиши характерлидир.

Учинчи бобнинг “Дехқончилик ва чорвачиликда ҳайвон қульти” деб номланган иккинчи параграфида водий аҳолиси кундалик хўжалик машғулотларига ҳайвон қультининг таъсири этнографик материаллар асосида очиб берилган.

Тарихий-археологик манбалардан маълумки, минтақада қадимдан дехқончилик, чорвачилик, овчилик, хунармандчилик каби хўжалик машғулотлари кенг тарқалган ҳамда айрим хўжалик турлари эса ҳайвонлар билан боғлиқ тарзда шаклланган. Табиийки, ахолининг кундалик турмуш тарзи ва маросими ҳаётида ушбу жиҳатлар муҳим ўринга эга бўлган.

Қадимдан туркий халқларнинг йиллик тақвими асосини жониворлар ташкил этиб, улар сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, кўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз йилларига бўлинган. Ушбу мучал йиллари табиий ходисаларнинг ифодаси вазифасини ҳам бажарган. Масалан, сичқон, йўлбарс, балиқ, от ва ит йиллари оғир давр ҳисобланган. Аҳоли дунёқарашига кўра, айнан юқоридаги ҳайвонлар билан боғлиқ мучал йилида қаттиқ меҳнат қилиниши шарт бўлган ва ўша йил эркакка қиёсланган. Сигир, илон, кўй, товуқ ва тўнғиз йиллари эса енгил келувчи аёл йили деб аталган<sup>47</sup>.

Хўжалик ҳаётида чорвачилик, айникса, қорамолни парваришилаш муҳим аҳамият касб этган. Чунончи, шунга доир айрим маросимлар шаклланган бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам адo этиб келинади. Улар орасида бузоқ туғилиши билан боғлиқ маросим алоҳида ажралиб туради.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида сигир туғиши билан “ўғиз тарқатиш” одати бўлган бўлиб, унга кўра, янги тукқан сигирнинг сути ўғиз деб аталган. Одатда сигир тукқанидан кейинги соғиб олинган биринчи сут

<sup>46</sup> Descola Ph. Beyond nature and culture. – Chicago and London: University of Chicago Press, 2013. – 3 р.

<sup>47</sup> Аширов А.А. Календарные праздники, обычаи и обряды / Узбеки. – Москва: Наука, 2011. – С. 440.

тез ачийди ва пишлокқа ўхшаш ҳолатга келиб қолади ҳамда у седана солинган ҳолда димлаб қўйилади, эртаси куни эса тайёрланган маҳсулот қўшниларга тарқатилади<sup>48</sup>. Бизнингча, ушбу одат замирида сигирнинг илк сутини бошқалар билан баҳам кўриш ҳамда янги туғилган бузоқчани қўшниларга маълум қилиб қўйиш бўлса керак. Чунки, қўшнининг моли кўпайишини ният қилиб, “ўғиз”ни истеъмол қиласидар. Ўзбеклар ушбу одат бажарилгандан сўнг чорвада барака бўлади ҳамда бузоқча соғлом улғаяди, деб ишонилган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, кишилар кундалик турмуш тарзида маросимларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлган. Кўплаб маросимларда асосий воситачи вазифасини минг йиллардан бери айнан жониворлар бажариб келган. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи дунёқарашида ҳайвонларга нисбатан ўзига хос қараш шаклланган. Айниқса, чорвачилик ва дехқончилик билан боғлиқ маросимларда ушбу жиҳат яққол кўзга ташланади.

Учинчи бобнинг **“Хунармандчиликда жонивор сиймоси”** деб номланган сўнгги параграфида миллий хунармандчилик анъаналарида жониворлар билан боғлиқ рамз ва белгилар таҳлил қилинган.

Тарихдан маълумки, миңтақада қадимдан ҳайвон сурати ёки шакли ифодалangan белгили нақшларни қўллаш анъанага айланган. Ушбу белгилар минг йиллик тасавурларнинг маҳсули сифатида ўз маъноларига ҳам эга бўлган. Қадимдан бундай белгилардан фойдаланиш ўзбек халқи анъанавий хунармандчилигида ҳам кенг тарқалган. Шу тариқа, ҳар бир хунармандчилик соҳасининг ўзига хос белги ва рамзлари шаклланган.

Ўрта асрлар хунармандчилигида зооморф тасвиirlар орасида қуш образи энг кенг тарқалган орнамент ҳисобланади<sup>49</sup>. X асрда тарқалган безаклардан яна бири жониворларнинг қанотли суратлариdir. Қанот билан тасвиirlанган бундай жониворларга ит, бўри, сенмурв каби ҳайвонларнинг суратлари киради<sup>50</sup>. Ҳайвон тасвири ҳамда безакларининг Ўзбекистон ва унга туташ худулардан топилиши аждодларимиз тасавурларида жониворга нисбатан шаклланган қарашларнинг ўзига хослигини кўрсатади.

Зооморфик безаклар учун фигура ёки унинг қисмлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, бош, панжа, оёқ, тирноқ ва шоҳ каби қисмлар хунармадчиликда кенг қўлланилган. Айрим нақшлар эса синкетлашув натижасида асл шаклини йўқотиб, ўсимликлар кўринишига айланган. Масалан, бодом нақши аслида зардуштийликдаги яхшилик рухи – фарннинг қаноти ҳисобланади<sup>51</sup> ва улар афсоналарнинг санъатдаги кўриниши сифатида баҳоланади<sup>52</sup>. Бу каби

<sup>48</sup> Даля ёзувлари. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани. Полосон қишлоғи. 2021 йил.

<sup>49</sup> Абдураҳмонов И. IX–ХІI асрлар санъатида мифологик мавзулар тизими // ЎзДСМИ хабарлари. – 2018. – №3 (7). – 65-бет.

<sup>50</sup> Азбелев П.П. Древние кыргызы. Очерки истории и археологии // <http://kronk.narod.ru/mono/mono.htm>. – 104 с. (13. 07. 2017).

<sup>51</sup> Album B. Uzbek Embroideries and Carpets in Foreign Collections”. Authored by E.Gyul / Series: “Cultural Heritage of Uzbekistan”. Edited by A. Abdukhalikov, E. Rtveladze. – Tashkent, 2017. – P. 9.

<sup>52</sup> Байпаков К.М., Терновая Г.А. О мифологических животных и «зооморфном коде» вселенной по материалам коллекции художественного металла из средневекового города Невакет // Известия НАН РК. Серия общественных наук. – 2006. – №1. – С. 109.

қоришиқ белгилар табиат күчларини ифодалашнинг бир кўриниши бўлиб, ҳайвонот оламининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади.

Ҳайвонот олами билан боғлиқ турли нақшлар гиламдўзлик, атласчилик ва сўзана тайёрлашда ҳам кенг қўлланилган. Улар Марказий Осиё ва турк гиламларида “гардани шутур” – туябўйин, “пойи мурғ” – қуш ёки лочин панжаси, Хўжанд сўзанасида учровчи “пиапоки шутур” – от, сичқон, чумчук изи, Вобкентда эса “товуқ оёғи” каби нақшлар ҳисобланади. Фақатгина Бухорода қушлар ва ҳайвонлар ўз аксича тасвиранган бўлиб, буларга мисол тарикасида Вобкент тумани Шак қишлоғида тайёрланувчи “хўроз” ва “ўрдак” ёки “аъло ўрдак” нақшлар бўлган<sup>53</sup>. Фаргона водийси ҳунармандчилигида қўлланилувчи рамзлар ва белгилар эса қоришиқ тарзда шаклланган.

Кулол-усталар томонидан ясалган идишларнинг номларида ҳам айнан “ўрдак” атамаси ҳозиргача сақланиб қолган. Хусусан, дори ёки май учун ишлатиб келинган муғоба, яъни ўрдак номли идиш айнан шундай жиҳоздир. Ушбу идишнинг хусусияти шундан иборатки, bemor дорини ичиши учун ўрнидан туриши шарт бўлмаган. Касал одамга суюқ дориларни ичириш ҳамда ёнбошлаган ҳолда май ичиш учун ушбу идиш жуда ҳам қулай ҳисобланади. Ушбу идишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, “муғоба” ёнбошлатилса ёки йиқитилса ҳам ичидаги суюқлик тўқилмайди. Шунинг учун ҳам ушбу идиш ишлатишга жуда ҳам қулай ҳисобланган. “Ўрдак” халқ ҳўжалигидаги зарурий идишлардан бири бўлган. Ушбу идишнинг катта (она) ва кичкина (жўжалари) ҳолатдаги турлари мавжуд бўлган\*.

Хуллас, ҳайвон шакли билан боғлиқ рамз ва белгилар ўзбек халқи ҳунармандчилигида ҳозирги кунда ҳам қўлланиб келинади ҳамда ўзининг аҳамиятини ҳалигача йўқотмаган. Қолаверса, ҳунармандчилиқда қўлланиб келинаётган айрим жиҳозлар ёки уларнинг қисмларига оид атамалар ҳам ҳайвонлар номи билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Ўзбек халқ ҳунармандчилигида шаклланган рамз ва белгиларнинг вужудга келиши аҳолининг диний-мифологик қарашлари, турмуш тарзи, табиат ҳамда табиат күчлари билан боғлиқ тасаввурларнинг маҳсулидир. Хусусан, турли қушлар ва ҳайвонлар тасвиrlари тўқимачиликда ҳозирги кунда ҳам қўлланилади. Айрим белгилар эса ўзгаришларга учраб, ўсимликсимон кўриниш ёки геометрик шаклли нақшларга айланган.

Умуман олганда, ўзбекларнинг турмуш тарзи ва қундалик машғулотларида ҳайвонот олами тўғрисидаги тасаввурларнинг ифодаланиши дехқончилик, чорвачилик ҳамда ҳунармандчилик фаолиятида яққол кўзга ташланади. Чунки, асрлар давомида дехқончилик ва чорвачилик фаолияти билан шуғуланиш асносида уй ҳайвонлари билан боғлиқ маросимлар шаклланган. Ушбу маросимлар табиат занжирини асрашга қаратилган кишилар онгida биоахлоқий тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

<sup>53</sup> Sukhareva O.A. Central Asian decorative embroidery. – Tashkent: ICAS, SMI-ASIA, 2011. – 45–90 p.

\* Ўрдак бир неча литр ва жўжалари, яъни кичик идишчалар эса таҳминан 200 грамм атрофида сиғимга эга бўлган.

## ХУЛОСА

Ўзбек халқи қадимдан ҳайвонларга нисбатан ўрнатилган муносабат тизимиға эга бўлган. Ушбу тизим афсонавий, диний ва маросимий илдизларга эга бўлиб, ҳозирги кунгача аҳоли тасаввурида сақланиб келмоқда. Асрлар давомида рўй берган диний ўзгаришларга қарамай, ушбу тасаввурлар коришиқ равишда из қолдирган. Хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарида афсона, ривоят ва мақоллар кўринишида акс этади.

Ҳайвонот олами билан боғлиқ тасаввурлар натижасида жониворларга ҳомий, аждод ёки ҳимоячи тарзида қаралган. Ушбу сифатлар таъсирида ҳайвон сиймоси маълум бир ҳудуд, ижтимоий гурух ва ҳаттоки, давлат рамзи даражасига кўтарилиган. Масалан, Самарқанд шаҳрида қанотли барс, Бухорда түя, Асака шаҳрида от каби рамзлар шаклланган ёки Турк хоқонлиги даврида давлат рамзларидан бири бўри сиймоси бўлган.

Замонавий ўзбек оиласи қараашларида ҳайвонга нисбатан муносабат аввало, жуғрофий ўзига хослик, диний-ахлоқий қараашлар, машғулот, табиат билан боғлиқ кўникумалар ва маросимлар доирасида шаклланган. Ҳайвонларни парваришилаш ва уларга қандай муносабатда бўлиш ушбу нормаларга таянади. Ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар бугунги кунда айrim замонавий жараёнлар таъсирида ўзгариб бормоқда. Шунинг учун ҳам айrim ҳайвонларни парваришилаш ёки уларнинг турмуш тарзидаги аҳамиятида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мазкур жараён уй ҳайвонлари таркибидағи ўзгаришларда яккол кўзга ташланади.

Ўзбек халқи машғулотлари ва амалий санъатида ҳайвонлар билан боғлиқ ишонч кўринишлари, ўзаро алоқадорлик, безаклар ҳамда шакллар мавжуд бўлиб, улар ҳалигача семантик аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, ҳайвонлар хусусиятларининг жиҳоз ва жисмларга қўчиши ҳамда улардан инсонни бало-қазолардан асровчи тумор сифатида фойдаланилиши ёки дехқончиликда айrim юмушларни бажаришда енгиллик бўлишига ишонч мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқотни бажариш натижасида куйидаги **хулосаларга** келинди:

1. Ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар бир неча минг йиллик диний-ахлоқий, афсонавий ва маросимий илдизларга эга. Ушбу жиҳатлар халқ оғзаки ижоди намуналари, рамзшунослик, диний-ахлоқий қараашлар ва ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурларда сақланиб қолган.

2. Ўзбек оиласи маросимий ҳаётида ҳайвонлар мухим восита бўлиб келган ва долзарб аҳамият касб этган. Улар орқали фарзанд туғилишидан тортиб то дафн маросимигача бўлган маросимлар бажариб келинган. Бундан ташқари, айrim сеҳр билан боғлиқ маросимларининг бажарилишида ҳам ҳайвонот олами билан боғлиқ қараашлар мавжуд бўлиб, аҳоли орасида айrim касалликларни олдини олиш, даволаш ёки баъзи мушкулликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

3. Халқ оғзаки ижодида ҳайвонлар сиймосининг акс этиши антропозооморфистик тавсифга эга бўлиб, уларда жониворга оид

хусусиятлар инсон феъл-атвори билан чоғиширилади ёки ўхшатилади. Шу орқали инсон хулқ-атвори очиб берилади ёки жамият ҳаёти акс эттирилади. Кейинчалик ушбу тамойил адабий мұхитта ҳам кириб борди ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, Сайидо Насафийнинг “Ҳайвонотнома”си ёки Гулханийнинг “Зарбулмасал”и каби асарларнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилди.

4. Ҳайвонларни парваришлиш ва уларга нисбатан муносабатда шаҳарлашиш ҳамда рақамли технология тараққиёти таъсирида қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Натижада, айrim ҳайвонларнинг парвариши камайиб бормоқда. Шунингдек, шаҳарлашиш жараёни таъсирида уй ҳайвонларининг таркибида қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳайвонлар аввалгидек хўжаликдаги аҳамиятига кўра эмас, балки феъл-атвори, интеллекти ва хусусиятига кўра сараланмоқда. Хусусан, эстетик завқ берувчи балиқлар, қушлар ва бошқа ҳайвон турларини парваришлиш шаҳарларда қарор топмоқда ҳамда қишлоқ ҳудудларига ҳам аста-секин кириб бормоқда.

5. Дехқончилик ва чорвачиликда ҳайвонларга нисбатан сақланиб қолган ишонч кўринишлари турли тақиқлар ҳамда маросимларнинг бажарилишига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Дехқончиликда эрта баҳорда ер ҳайдаш олдидан бажарилган “шоҳмойлар” ёки бошқа маросимларда ҳайвонлар семантик аҳамият касб этади. Ҳайвоннинг маълум қисми ёки унга тегишли жиҳоз айrim таъқиқларнинг объектига айланган. Хусусан, қорамол ёки қўй арқони, от эгари, узангиси, қозик каби жиҳозларни ўзгага бериб юборилиши, ҳайвон тилини эркак ва суягини аёл истеъмол қилиши таъқиқланган.

6. Ҳунармандчиликда ҳайвонлар сурати ёки уларнинг қисмлари асрлар давомида безак шаклларини ифодалаш билан бирга, омад келтирувчи ва асровчи тумор сифатида қўлланиб келинган. Ушбу безаклар ипакчилик, пичоқчилик, кулолчилик, чолғусозлик, мисгарлик каби ҳунармандчилик турларида кўп учрайди. Безаклар ҳимоячи тумор ёки омад келтиришидан ташқари яна фаровонлик, мукаммаллик, жисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳалқ фалсафий қарашлари каби маъноларни ҳам англатади. Бундан ташқари, жиҳозлардаги айrim шакллар тўлалигича маълум бир ҳайвонни ифодалайди. Масалан, эгар-жабдуғ ясашдаги етакчи шакл кобра ёки пичоқчиликда асбоб дастаси қуш кўринишида бўлиши кенг тарқалган. Ҳаттоқи, такланувчи пичоқ турларидан бири “жанақуш” деб аталади. Демак, шакл ва безаклар ҳалқнинг ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларини ўзида мужассам этган.

Тадқиқот натижасида эришилган хулосалар каторида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** илгари сурилди:

1. Ўзбек ҳалқи дунёқарасида ҳайвонларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишлиланган маҳсус энциклопедия тайёрлаш ҳамда унда этнозоологик атамалар ва уларнинг изоҳларини ёритиб бериш.

2. Ҳайвонот оламини асраб-авайлашни тарғиб этиш мақсадида ҳайвонот оламига бағишлиланган маҳсус телеканал ташкил этиш. Телеканал орқали доимий равишда жониворлар ҳаёти ва уларнинг табиат занжиридаги ўрни ҳамда аҳамиятига бағишлиланган туркум кўрсатувлар тайёрлаш.

3. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоголди миңтақаларидаги ўзига хос ҳайвонларни “миллий жонивор” сифатида эътироф этилишига эришиш ҳамда Республикада сайёхлик йўналишида янги зоотуризм йўналишни жорий этиш. Шунингдек, “Табиат ва инсон” электрон платформасини яратиш ҳамда унда жониворларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ўз ичига олган қисқача маълумотномаларни ёритиб бериш.

4. Ўзбек халқи анъанавий дунёкарашлари тизимида жониворлар билан боғлиқ тасаввурлар фанлараро ёндашувлар орқали этнология, зоология, ветеринария, лингвистик, фольклоршунослик, фалсафа, психология, ҳукуқшунослик, медицина, маросимшунослик ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда ҳайвонларнинг тиббий хусусиятларини ўз ичига олган “Этноанималотерапия” китобини нашр этиш ҳамда уни хорижий тилларга таржима қилиш.

**SCIENTIFIC COUNCIL NUMBER DSc.30.12.2019. Tar. 56.01.  
ON AWARD OF SCIENTIFIC DEGREE AT THE INSTITUTE OF  
HISTORY OF THE SCIENCE ACADEMY OF  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

---

**INSTITUTE OF HISTORY**

**AKHRORBEK AZAMJONOVICH AZIZOV**

**WORLDVIEWS RELATED TO THE ANIMAL WORLD IN UZBEK  
CULTURE (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY)**

**07.00.07. - Ethnography, Ethnology and Anthropology**

**AUTHOR'S ABSTRACT OF DOCTOR OF PHILOSOPHY  
(PhD) DISSERTATION**

**Tashkent, 2023**

**The theme of doctor of sciences dissertation is registered under B2022.3.PhD/Tar212. at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers.**

The doctor of philosophy (PhD) dissertation has been conducted at the institute of History

The author's abstract of doctor of sciences dissertation written in three languages (uzbek, english and russian (resume)) is available at ([fati.uz](http://fati.uz)) of Scientific Council and on information-educational portal (ZiyoNET) ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Scientific supervisor:**

**Adkhamjon Azimbaevich Ashirov**

Doctor of Historical Sciences, professor

**Official opponents:**

**Alisher Khudayberdievich Daniyarov**

Doctor of Historical Sciences, professor

**Ziyodullo Safaralievich Isokov**

Candidate of Historical Sciences, docent

**Leading organization:**

**Namangan state university**

The defence of the dissertation will be held on "27" january 2023 at 14:00 at the meeting of the Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 on awarding academic degrees at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Address: 100047, 70 Yahyo Gulomov street, Tashkent city. The main building of the Academy of Sciences, room 110. Tel.: (99871) 233-54-70; Fax: (99871)233-39-91. e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz). Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan).

The dissertation is available at Fundamental library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Registered number \_\_\_\_\_. (Address: 100170, 13 Ziyorlar street, Tashkent city. Tel: (99871) 262-74-58; fax: (99871) 262-34-41).

The dissertation abstract has been sent out on "\_\_\_\_\_" 2023

(Protocol of the mailing list № \_\_\_\_ from "\_\_\_\_\_" 2023)

**Azamat Ziyo**

Chairman of the Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of Historical Sciences, Professor

**Kh.S. Jumanazarov**

Scientific Secretary of the Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences

**N.A. Allaeva**

Chairman of the Scientific Seminar under Scientific Council on awarding academic degrees, Doctor of Historical Sciences.

## **Introduction (PhD dissertation abstract)**

**Relevance and demand for the topic of the dissertation.** Along with the generalization of the world community in the economic and cultural spheres, globalization processes have had a significant impact on the interrelationship of nature and society, and the eco-cultural system of our planet. Especially in the last decade, the attitude towards the animal world has undergone drastic changes. As a result, understanding the importance of the animal world, understanding their place in human lifestyle and culture is becoming an urgent problem.

In many scientific research centers of the world, studies are being conducted on the economic, social, educational, philosophical, and spiritual aspects of the history of perceptions of animals. In particular, the social and economic role of animals in relation to animals, the care of animals that balance the mental state, the use of animal services for the disabled, and the healing properties of animals are being studied in Europe. The reflection of images of animals in the human mind, the study of the factors of the formation of rituals related to them remains an urgent scientific problem.

In recent years, special attention has been paid to researches in the field of history in our country. In particular, in ethnology, the research of the values and traditions of the Uzbek people, in particular, the aspects of the imagination of the traditions related to the animal world, is gaining urgent importance. That's why it is important to research the existing perceptions of Uzbeks about animals from the point of view of ethnology. Researches in ethnographic, zoological, sociological, psychological and legal directions aimed at studying, putting into practice and mass promotion of the imagination of the population related to animals on the example of the Uzbek people are of scientific and practical importance. After all, in his speech at the 75th session of the United Nations General Assembly, in one of the proposals, the President of the Republic of Uzbekistan put forward a broad approach to the region in order to preserve the unique fauna of the region<sup>54</sup>.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2019 "On approval of the concept of environmental protection of the Republic of Uzbekistan in the period until 2030" on the formation of a careful attitude towards the environment in young people, preservation of nature, air, water and soil pollution, damage to flora and fauna This thesis serves to a certain extent in the implementation of the tasks of organizing environmental actions aimed at preventing In addition, the research is based on the legal regulations and manuals adopted by the "International Animal Protection" organization and the law "On Amendments and Additions to the Criminal and Administrative Responsibility Codes of the Republic of Uzbekistan" adopted in our country in 2019 and other normative - serves in the implementation of the tasks specified in the legal documents.

---

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб килиш бўйича ўкув қўлланма. – Тошкент: 2021. 213-214-бетлар.

**Compliance of the study with priority areas for the development of science and technology of the Republic of Uzbekistan.** Research is part of the development of public science and technology. It was carried out in accordance with the direction of “Formation of the system of innovative ideas and the implementation of the plan in the social, legal, economic, cultural, spiritual and spiritual development of the democratic society and the democratic state”.

**The degree of knowledge of the problem.** Although the topic of views of the Uzbek people regarding the animal world has not been studied within the framework of separate scientific research, some aspects of the issue have been covered to a certain extent in the existing scientific literature. Therefore, they were researched in the dissertation, divided into the following groups: publications related to the period of the Russian Empire, literature of the Soviet period, works published in the years of independence, and foreign studies. In the opening paragraph of the first chapter of the research, this problem is analyzed in a large scale.

Researches on the theoretical and practical aspects of the scientific problem have been carried out mainly since the end of 19<sup>th</sup> – the beginning of 20<sup>th</sup> century. These studies are characterized by the fact that they are devoted to various aspects, such as religious ideas, lifestyle and rituals of Uzbeks. In particular, the economy, lifestyle and ritual life of the population M.S. Andreev, E. Peshereva, burial customs with animals V.I. Sprishevsky, the magical significance of animals in animistic imagination L.P. Potapov, theory of totemistic views D.E. Khaytun, the role of cattle breeding in the economic life of Uzbek-Lakai and the world views of the population related to it B.Kh. Karmisheva, ancient religious ideas of the people of Khorezm studied by scientists like G.P. Snesarev<sup>55</sup>.

Some aspects of the scientific problem were also focused on in the researches related to linguistics and linguistics carried out in the years of independence. Such scientific research includes A. Ashirov, S.Kh. Esbergenova, A. Malikov, H. Karomatov, G. Muhammedjanova, H. Saidova, S. Jumaeva, N. Nishonova, A. Tilovov, D. Fayzieva and A. Ismailov's research is a clear example<sup>56</sup>.

<sup>55</sup> Андреев М.С. По Таджикистану. Краткий отчет о работах этнографической экспедиции в Таджикистане в 1925 году. – Выпуск I. – Ташкент, 1927. – Вып. I. – 49 с.; Пещерева Е. Молочное хозяйство горных таджиков и некоторые связанное с ним обычаи. / Андреев М.С. По Таджикистану. Краткий отчет о работах этнографической экспедиции в Таджикистане в 1925 году. – Ташкент, 1927. – Вып. I. – 42–59 с.; Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э. обнаруженное около обсерватории Улугбека / Труды Музея истории народов Узбекистана. Т. 1. – Ташкент, 1951. – 33–42 с; Потапов Л.П. Очерки по истории алтайцев. – Москва–Ленинград, 1953. – 444 с.; Хайтун Д.Е. Тотемизм его сущность и происхождение. – Сталинабад, 1958. – 151 с.; Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. – Сталинабад: Издательство Академии наук Таджикской ССР, 1954. – 171 с.; Ўша муаллиф: Этнографические очерки узбекского сельского населения. – Москва: Наука, 1969. – 296 с.; Ўша муаллиф: Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва: Наука, 1972. – 324 с.; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969. – 336 с.; Ўша муаллиф: Люди и звери // СЭ. – 1972. – №1. – С. 167–176.

